

ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАСВИРИЙ ВА ТАҚЛИДИЙ МАЪНО ҲАМДА УЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА БЕРИЛИШИ

Aliboeva Nilufar Makhamatali kizi
Doctor of Philosophy (PhD)
Kokand State Pedagogical Institute

Аннотация

Ушбу мақолада оламнинг миллий лисоний манзарасида товуш ва холат/образга тақлид ифодалари, агглютинатив тиллар, хусусан, ўзбек тилида тақлидларнинг кенг қўлланилиши, жумладан, инглиз тилида мустақил туркум сифатида тақлидларнинг деярли йуклиги, бу тилда товуш ёки образга тақлид от, сифат ёки феъллар билан берилиши ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

Речь в данной статье пойдет о выражении звукоподражаний, об агглютинативных языках, в частности, о широком использовании звукоподражаний в узбекском языке, в том числе, об отсутствии, большей частью, звукоподражаний как самостоятельной части речи в английском языке об образовании звукоподражаний вместе с именами существительного, прилагательного и глагольными формами в данном языке, о реальном генетическом происхождении этих слов от звукоподражаний.

Annotation

This article entails imitative expressions to sound and state in national linguistic view of the world, agglutinative languages, particularly, wide usage of imitations in Uzbek, additionally, almost non-existence of imitations as an independent part of speech expressing imitation to sound and state with nouns, adjectives or verbs, derivation of imitation with the above words.

Таянч сўз ва иборалар: тасвирий, тақлидий сўз, ономотопия, тасвирий восита, от, феъл, гап бўлаги, грамматик шакл, товушга тақлид, агглютинация.

Ключевые слова и выражения: звукоподражаний, парафраза, ономотопия, имя существительное, имя прилагательное, грамматическая форма агглютинация.

Keywords and expressions: imitation, descriptive word, descriptive expression, onomatopoeia, descriptive means, noun, verb, grammar form, imitation to sound and state, agglutination.

Тил фонетик структурасининг серкирралиги, шубҳасиз, унинг борлиқдаги барча товушларни тил соҳибининг эшитиш ва тинглаш имкониятидан келиб чиққан ҳолда ифодалай олишида яққол кўзга ташланади. Шу маънода ўзбек

тилининг фонетик таркиби ўзининг полифункционалиги ва кенг қамрови билан ажралиб туради, бу полифония тасвирий ва тақлидий маъно ифодаланишида кузатилади. Зеро, тилда мавжуд бошқа лексик категориялардан фарқли ўлароқ, тасвир ва тақлид маъносини англлатувчи сўзлар ўзга тиллардан ўзлаштирилиш эҳтимолидан йироқ ва ҳатто имконсиз. Тасвирий сўзларнинг шаклланиши тил вакили воқеликни онгида қандай қабул қилиши, овозларни қандай эшитиши, уни ўз тилида мавжуд бўлган товуш товланишларида қай тарзда ифодаланиши билан боғлиқ. Бу узвий жараёнлар натижасида юзага келган лексик бирликлар ҳар бир тилнинг хусусий ва том маънода миллий ва бетакрор қатламини ташкил этади. Шу маънода агглютинатив тиллар сирасига мансуб ўзбек тилининг ифода устуворлигини таъкидламасликнинг иложи йўқ. Сабаби, бошқа тиллар, жумладан, инглиз тилидан фарқли равишда, ўзбек тили табиатда учрайдиган қарийб барча товушларни қамраб ола билади. Бу эса, ўз навбатида, товушга тақлид ва ҳаракат, ҳолат тасвирини ифодаловчи сўзларнинг янада табиийроқ бўлишини таъминлайди.

Гарчи ўзбек тилининг фонетик устунлиги тасвир ва товушга тақлид ифодаларининг феноменал равишда ҳақиқатга яқинлашишини таъминлаб берса-да, ўзбек тилшунослигида бу категория бошқа туркий тиллардан кўра нисбатан кечроқ тадқиқ қилинган. Тақлидий ва тасвирий сўзлар дастлаб тилшунос олим А.Ғуломовнинг “Ўзбек тили морфологиясига кириш” асарида ундов сўзлар сифатида тасниф этилган бўлса¹, маълум вақтдан сўнг бу фикр қаршилиқка учраб, жумладан, С.Муталлибовнинг “Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк” ишида ундовлардан ажратилган ҳолда товушга тақлид сўзлар сифатида эътироф этилди. Тақлид бирликларига олим қуйдагича изоҳ беради: “ҳайвонлар, жониворлар, қуш-қуртлар ва одамлар, нарсалар ҳаракатидан пайдо бўлган товушларга (тагини биз чиздик — *Р. Қ.*) шартлича тақлид қилиб ясалган сўзлар товушга тақлид сўзлар деб аталади”². Албатта, ушбу таъриф товушга тақлидга устуворлик бериб, ҳолат тасвирини ифодаловчи бирликлар ҳам бу гуруҳга оид дейилса-да, таъриф мантиқан бунга зид ва бу ҳол ушбу тил ҳодисаси туркуми талқинида бирмунча чалкашликларга сабаб бўлди.

Ўзбек тилшунослигида тақлидий ва тасвирий ифодалар тадқиқи илк маротаба кенг қамровли кўламда тилшунос олим Р.Қўнғуров томонидан “Ўзбек тилида тасвирий сўзлар” асарида атрофлича ёритиб берилган. Қўнғуров ўз асарида ҳолат тасвирини ифодаловчи сўзларни образли сўзлар деб атаб, ушбу ифодаларнинг ўзига қадар тадқиқига доир қуйидагича изоҳ келтиради: “Туркологияда айрим олимлар образли сўзларни товушга тақлид сўзлар билан

1

²Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. – Тошкент, 1959. – Б. 61.

бир қаторга қўйиб, уларга „образга тақлид сўзлар“ сифатида қарайдилар. Бошқа бирлари эса уларни бир гурӯҳга бирлаштирмасдан, алоҳида-алоҳида текширадилар. Образли сўзлар билан товушга тақлид сўзлар фонетик, морфологик ва синтактик томондан грамматик категория сифатида бир-бирларига жуда яқин туради. Аммо образ ифодаловчи сўзларни тақлид сўзлар деб қараш қийин бўлган кўпгина ўзига хос хусусиятлари ҳам бор: семантик томондан товушга тақлид сўзлар кишилар, қушлар ва ҳайвонлар, бошқа турли жониворлар ҳамда жонсиз предметларнинг чиқарган товушларига тақлид қилиш натижасида пайдо бўлади. Улар асосан эшитиш билан боғланган. Образли сўзлар эса кўриш натижасида юзага келиб, кишилар ва бошқа жонли-жонсиз нарсаларнинг ҳолати, ҳаракати ва ташқи кўринишининг тасаввур образларини билдиради”³. Ушбу изоҳни тақлидий ва тасвирий ифодалар ўртасидаги тафовутни изоҳловчи илк тўлақонли таъриф десак, албатта, муболага бўлмайди. Бироқ берилган бу атрафлича таъриф, қолаверса монографиядаги асосий ғоя – яъни тасвирий ифодани ундов сўздан ажратиб олиш мақсадга мувофиқ дея қаралишидан ташқари, муаллифнинг ўзи ушбу бирликларнинг мустақил луғавий маънога эга сўз бўла олишини қуйидаги хусусиятлар билан асослайди:

- а) ўзига хос лексик маъноли;
- б) умумлаштириш ва умумтушуниш хусусияти мавжуд;
- в) хос структура ва шаклга эга;
- г) содда ҳолда асосан ёрдамчи феъл билан бирга келади;
- д) гапда маълум бўлак вазифасида келиб, бошқа гап бўлаклари билан синтактик муносабатга кириша олади.

Айтилганлар уларни мустақил сўз сифатида қараш имконини беради⁴.

Шу ўринда товушга тақлид сўзлар ва ҳолат тасвири ифодалари орасидаги тафовут ва ўхшашликларга ойдинлик киритиб олиш лозим:

биринчидан, ҳар икки гуруҳдаги сўз ҳам жуфт ҳолда кўпроқ учрайди.

Яъни *апил-тапил*, *лўк-лўк*, *лип-лип*, *лапанг-лапанг*, *йилтир-йилтир* ҳаракатнинг тезлиги ёки ҳолатнинг суръатига ишора қилади ва бу уларнинг ҳар бири жуфт ҳолатда учраши билан боғлиқ равишда содир бўлади. Ўзбек тилидаги товушга тақлид сўзлар ҳам аксар ҳолларда жуфт ҳолда учрайди: *қарс-қурс*, *дунур-дунур*, *ғарч-ғурч*. Бу каби жуфтлашиш натижасида ўз-ўзидан яна бир маъно англашилади, бу жуфтлашганлик ҳаракатнинг ўзгарувчан, давомий, узлуксизлигига ҳам ишора қилади. Кўринадики, “тақлид/тасвир” маъноси “ҳаракат тарзи” маъноси билан қоришиб кетади ва уларни ажратиш мумкин

³Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966 – Б.18.

⁴Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966 – Б.22.

бўлмайдди. “Ҳаракат тарзи” маъноси тақлид/тасвирга йўлдош маъно, йўлдош маъно эса ҳар доим асосий маънонинг воқелантирувчиси ҳисобланади. Улар диалектик яхлитликни ташкил этади⁵. Бошқача айтганда, тасвирий сўзларда образ асосий, тақлид ёндош, тақлид сўзларда тақлид асосий ва образ ёндош маъно сифатида амал қилади:

иккинчидан, ҳар икки турдаги бирлик сўзлашув ва бадиий матнда қўлланиб, бундан асосий мақсад тасвир жонлилиги, унинг реаллиги ва ифоданинг кучайишини таъминлашдан иборат;

учинчидан, морфологик жиҳатдан ҳар иккиси ҳам равишдош кўринишида равишдош кўшимчаларини олиб, гапда феъл сифатида қўллана олади;

тўртинчидан, ҳар икки бирлик ҳам синтактик қатламда предмет белгисини ифодаловчи сифатдош бўлганлиги сабабли аксар ҳолларда аниқловчи вазифасини бажаради.

Айтилганлар тақлид ва тасвир сўзларнинг умумий ва муштарак белгиларини ифодалайди. Аммо, бошқа томондан олиб қаралганда улар орасида тафовутлар ҳам яққол кўзга ташланади:

биринчидан, товушга тақлид ифодалар кишининг эшитиш амали орқали шаклланади. Яъни инсон ўзи эшитган товушни бевосита тақлид қилишга ҳаракат қилади. Тасвир ифодаси эса ўз-ўзидан кузатиш орқали юзага чиқади. Шу тарзда инсоннинг кўриш ва эшитиш тактик амали ушбу ифода феноменларида уйғунлашади;

иккинчидан, товушга тақлид сўзлар шаклланар экан, инсон уларни “ўйлаб топишда” табиатдаги мавжуд физик ва тилдаги ижтимоий товушларга асосланади. Товушга тақлид сўзларнинг шаклланишида тайёр табиий андоза борлиқда физик мавжудлик сифатида намоён бўлиб туради. Ҳолат ёхуд воқелик тасвирига асосланган бирликлар эса ҳеч қандай андозаларга таянмаган ҳолда, инсоннинг борлиқни қандай қабул қилиши ва уни тили ёрдамида турли артикуляцион жараёнлар натижасида шакллланади. Кўринадики, инсондаги кўриш, эшитиш, талаффуз тафаккур асосида ўзаро яхлит функция учун ҳамкорликка киришади;

учинчидан “ҳолат тасвири (образ)” маъноси нисбатан кенгрок шакллланган ва бу каби сўзлар маъноларини нутқда муқобил бирликлар – борлиқ жараёни тасвирини кўз ўнгимизда нисбатан ёрқинрок гавдалантириш мумкин бўлган бошқа сўзлар уйғунлигида ифодалаш мумкин. Айни пайтда товушга тақлид сўзларни бошқа бирор сўз туркумидаги ифода билан ва, ҳатто, бир неча ифодалар ҳамкорлиги ёрдамида ҳам бериш имконсиз. Ифода амалга

⁵Бу ҳақда қаранг: Мусулманова Н.Р. грамматик шаклларда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категориялари мисолида): Филол.фанлари номзоди ...дисс. –Тошкент, 2007.

оширилган тақдирда ҳам, у айнаи реалликдаги воқеликни тўлиқ қамраб ололмайди, ўқувчи бошқа сўз ёрдамида ифодаланган тақлидий маънони бошқа вариант билан солиштириб, орадаги ўхшашликни тушуниб етгунча мулоқот узилади. Демак, товушга тақлид маъноси бошқа восита орқали ифодалаган тақдирда ҳам коммуникатив мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракат муваффақиятсизлик билан яқун топиши мумкин.

Тасвирий сўзлар, юқорида айтиб ўтилганидек, нутқда борликни тўлақонли гавдалантиришнинг энг самарали воситаси сифатида баҳоланади.

Қуйида тасвирий ифодаларнинг болалар адабиётида қўлланилган ҳолатларидан мисол келтирамиз:


*Ғуж-ғуж қизил олчалар,
Шода қилиб тергандек,
Гўё қуёш атайлаб
Унга ҳусн бергандек.*
(Тўлқин, “Олчалар”)

*Чўнг осмонга қарайсан кулиб,
Пага-пага ёққанида қор.
Олам оппоқ гулларга тўлиб,
Оппоқ-оппоқ ястаниб боқар.*
(Тўлқин, “Қиш кечалари”)

*Мажнунтолнинг япроғи
Майин-майин шивирлар.
Мовийсой тўлқилраи
Мавж уриб живирлар.*
(Абдурахмон Акбаров, “Мажнунтол”)

*Туш кўрганда тоғдан тоққа учасизми?
Мингга кирган чинорларни қучасизми?
Биллур-биллур булоқдан сув ичасизми?
Ҳиёнаткор оғайнидан кечасизми?*
(Миразиз Аъзам, Қирқ болага қирқ савол)

*Ҳил-ҳил тишибди олча,
Тершиворгин, ҳой, Али
Шарбатини ичамиз
Айни тушлик маҳали*



(Абдурахмон Акбаров, Тайёрга)

Тасвирий ифода бирликлари ёрдамида қофияланган болалар адабиётидан бошқа шеърий парчаларга ҳам эътиборимизни қаратамиз:

*Махташиб отларини дерки, бу дулдур-дулдур,
Байталим баркаши зўрки, филдур-филдур,
Қиладир лоф уришиб, кўзлари мўлдур-мўлдур,
Оқжар одамларининг тўнлари жулдур-жулдур,
Билмадим туркму, тожик тиллари гулдур-гулдур,
Чиқсам эшикка қилур тўрғайи чулдур-чулдур.*

(Муқимий, “Дар мардуми Оқжар ба тариқи мухаммас”).

Мисолни таҳлил этар эканмиз, тасвир ифодаларининг маъносига эътибор қаратамиз. Биринчи мисрадаги *дулдур-дулдур* тасвири жониворларнинг соғлом, бақувват, тетик ва серғайратлигига, қайсидир маънода этли эканлигига ҳам ишора қилса, иккинчи қатордаги тасвирий ифода мустақил маъноли бирлик, яъни *фил* сўздан келиб чиққан ва ҳажмнинг йириклигига ишора қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, тасвирий ифода инсон шуурида механик бирлашган бир неча товуш йиғиндиси сифатида эмас, балки мустақил от тасвирий ифода сифатида қўлланаётир. Учинчи мисрадаги тасвирий ифода *мўлдур-мўлдур* кўзларнинг ялинганнамо қарашига ишора қилса, тўртинчи мисрадаги *жулдур-жулдур* такрорий ифодаси буюмнинг эскириб уриниб қолганлигини англатади. Бир парчада келтирилган тўртта тасвирий ифода учта ажралиб турувчи характерга эга:

биринчи ифода ўзининг полисемантиклиги, яъни кўп маънолилиги билан кўзга ташланади;

иккинчи ҳолатда мустақил маъноли отнинг жуфтлашуви натижасида тасвирий ифода ҳосил бўлган;

учинчи ва тўртинчи ҳолатда эса тасвир ифодаси тўғридан-тўғри бир маънога эга.

Тасвирий ифодаларнинг кетма-кет, қофия ҳосил қилиб, кўпинча уюшиқ бўлак сифатида қўлланиши ўзбек халқ дostonларида тез-тез учрайдиган ходиса. Қуйидаги мисолга эътиборимизни қаратамиз:

*Дубилга бошида дўнгиллаб,
Карк қубба қалқон қарқиллаб,
Тилла поянак урилган,*

*Узангилар шарқиллаб,
Бедов отлар диркиллаб.
Олгир қушдаин чарқиллаб,
Қўлда найзаси сўлқиллаб,
Юрмоқчи қалмоқ йўлига
("Алпомиш" достонидан).*

Юқорида келтирилган парчада ҳам қофиялар тасвирий ифодалар хилма-хиллиги асосида қурилган. *Дўнгиллаб* сўзининг маъноси бевосита *дубилга* сўзи орқали англашилади ва айна ҳолатда дубулғанинг катта, салмоқли эканлигига ишора қилади. Иккинчи мисрада ҳам *қубба* сўзи *қалқон* бирикмаси билан *қарқиллаб* сўзининг маъносини ёритиб беради ва бу ифода қалқоннинг бақувват ва салобатли эканлиги билан боғлиқ. *Диркиллаб* ифодаси отнинг яхши парвариш қилингани ва тетиклигини ифодаласа, *сўлқиллаб* бирлиги *найза* билан бирга қўлланилгани сабабли унинг катталиги, қайсидир маънода беўхшовлигини ёритиб беради. *Чарқиллаб* эса қушнинг олғирлиги ҳақидаги маълумот ёрдамида ўз маъносини очиб беради ва бунда йигитнинг забардастлиги, йўлга ҳозирлиги англашилади.

Юқоридаги мисолда тасвирий ифодаларнинг барчаси мураккаб семантикага эга ва уларнинг бари бирикиб келаётган бошқа гап бўлаклари маъносидан англашиши феноменал лисоний (нутқий) бутунлик (чамбарчаслик) ни ташкил қилади.

Адабиётлар:

1. Қўнгулов Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар.—Т: Фан, 1966
2. International Journal of Basic Sciences and Applied Research Vol, 3 (SP), 219-225, 2014//Available online at <http://www.isicenter.org>.-P.221
3. www.wikipedia.org